O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
BEKOBOD SHAHAR
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЕКОБОД ШАҲАР
ҲОКИМИ

110500, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси- 1-уй, тел.: (0-370) 214-01-00, 150-93-46

Bekobod sh.

QAROR
РЕШЕНИЕ

№ 497 20 17 у. "15" июл

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник холатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 345-сонли қарори, (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг 2017 йил 23 июндаги 12/1-1827/2-сонли хати ва қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларнинг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шахардаги мулкчилик шаклидан қатьий назар (Бекобод шахри мудофаа ишлари бўлими, Бекобод шахар ички ишлар бўлими, Бекобод шахар Миллий хавфсизлик хизматидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникалар бундан мустасно) корхона, муассаса, ташкилот ва корхоналаридаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш 1 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун шахар ишчи гуруҳи таркиби 2 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг биринчи августига қадар тугатилсин.

4.Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун, пул йиғимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалардан ташқари) - икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган, транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситаларига (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалардан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалари бундан мустасно).

3. Мазкур қарорнинг 2-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

Биринчи маротаба 1 март - 30 июнда;

Иккинчи маротаба 1 сентябрь - 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2018 йил 1 март - 30 июнда ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь - 31 августда ўтказилади.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситалари 2018 йилги техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасларида давлат автотранспорт воситаларини 2018 йилга техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳар ҳокими ўринбосари (Т.Султанов) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Бекобод шаҳар вакили:

-зудлик билан йўлларда харакат хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари билан ҳамкорликда, юридик шахслар раҳбарларини жалб этган ҳолда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ҳамда уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш ва амалга оширилиши устидан назорат ўрнатилсин;

-транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларининг самадорлигини ошириш мақсадида шаҳар ички ишлар бўлими Автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўлинмаси, мудофаа ишлари бўйича бўлим вакиллари ва юридик шахсларнинг муҳандис техник ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилсин;

туман “Уздавтехназорат” инспекцияси қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (Д.Шомуродов)га юклатилсин.

5.Бекобод шаҳар ҳокимининг 2016 йил 6 июндаги “Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2016 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” ги 232-сонли қарори бекор қилинсин.

6.Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат килиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Мирзақулов зиммасига юклатилсин.

Беобод шаҳар ҳокими **З.Файзуллаев**